Qishloq hayoti

2010 йил Баркамол авлод йили

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2010-YIL 19-YANVAR, SESHANBA, 8 (7625) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

СФУ ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги насос агрегатларининг эксплуатациясини тўғри йўлга қўйиш, уларнинг ишлаш давомийлигини ошириш, насосларни монтаж-демонтаж қилиш, бошқарув шкафларида созлаш ишларини бажариш бўйича бошқарма ишчиларидан иборат таъмирлаш бригадасининг тузилгани фермерлар учун айни муддао бўлди.

Қашқадарё вилояти "Қоракўл" ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли хўжаликларда қиш мавсумини муваффақиятли ва талафотсиз ўтказиш мақсадида режали ишлар уддаланмоқда. Муборак туманида 187 минг гектар ҳудудни эгаллаган яйловларда қўй боқаётган 65 та отарлардаги чўпончўлиқларнинг мақсади маҳсулдорликни ошириш, сурувга сурув қўшишдир.

Жийда боғ, томорқа, ҳовлиларда ўсадиган серхосият дарахт. Халқ табобатида жийда мевасидан тайёрланган дамлама болаларда учрайдиган ич кетишига қарши даво сифатида ишлатилади. Айни ёз, пишиқчилик даврида мева-чеваларни ювилмаган ҳолда истеъмол қилиш оқибатида ичкетар бўлган болага жийда мевасини едириш ҳам наф беради.

4 саҳифаларда

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 январь куни Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати Раисининг биринчи ўринбосари Игорь Шуваловни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари ушбу ташриф ўзаро муносабатларимизни янада юқори поғонага кўтариш учун муҳим принципиал аҳамиятга молик икки томонлама, айни пайтда кўп томонлама ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканини таъкидлади.

Икки мамлакат сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа кўплаб соҳаларда ҳамкорлик қилмоқда.

Оқсаройдаги учрашув чоғида Игорь Шувалов самимий қабул учун Ўзбекистон Республикаси Президентига миннатдорлик билдириб, ўзаро муносабатлар ривожланиб бораётгани ва икки мамлакат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар изчил амалга оширилаётганини мамнуният билан таъкидлади.

Мулоқот чоғида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Ўни Комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисини чақириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 81-моддаси, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги Конституциявий қонун ва "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон биринчи мажлиси Марказий сайлов комиссияси томонидан чақирилади.

Марказий сайлов комиссияси парламент қуйи палатасининг биринчи мажлисини 22 январь куни Тошкент шаҳрида чақириш ва унинг кун тартибига ташкилий масалаларни киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шунингдек, мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш мажлисига келган депутатлар 21 январь куни соат 9:00 дан 18:00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биносида рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биринчи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси 22 январь куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биносида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси мажлисига келган депутатлар 21 январь куни соат 9:00 дан 18:00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биносида рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Самарқанд вилояти

2010 йил — Баркамол авлод йили

Иқтидорли ёшлар — юрт таянчи

Самарқанд ҳуқуқшунослик коллежи бундан атиги икки йил олдин ўз фаолиятини бошлаган бўлсада, салоҳиятли масканлардан бирига айланди. Бунинг сабаби, 5 та — "Хўжалик ҳуқуқий фаолияти", "Ҳуқуқни муҳофаза қилиш", "Маъмурий-ҳуқуқий фаолият", "Судларда ижро иши", "Ҳуқуқни ҳимоя қилиш" йўналишлари бўйича жами 1200 нафар ўқувчи таҳсил олаётган ушбу коллежда ёшларнинг билим олиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган.

Коллежда ўқувчи-ёшларнинг дарсдан бўш вақтлари мазмунли ташкил этилишига ҳам асосий эътибор қаратилган. Шу мақсадда 19 та фан тўгараклари фаолият кўрсатиб, уларда 400 нафардан зиёд ўқувчи иштирок этмоқда.

Шунингдек, спорт соҳасига оид тўгарак ва машғулотларда ёш йигит-қизлар жисмоний жиҳатдан чиниқиш билан биргаликда вилоят, республика, жаҳон миқёсида ўтказилган мусобақаларда қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритишяпти. Масалан, 122-гуруҳ ўқувчиси М.Азизова жаҳон чемпионатида таэквандо бўйича учинчи ўринни, 111-гуруҳ ўқувчиси Ф.Сиддиқов самбо бўйича республика очиқ чемпионатида иккинчи ўринни қўлга киритди.

Ўтган йили май ойида ўтказилган "Уруш бўлмасин жаҳонда" республика кўрик-танловида шу коллеж ўқувчиси Азиза Неъматованинг биринчи ўринни қўлга киритганлиги, ўтган йил декабрь ойида "Конституция — бахтимиз пойдевори" республика босқичида коллежнинг "Фемида" жамоаси фахрли биринчи ўрин соҳиби бўлганлиги ҳам ушбу коллеж ўқувчиларига кўрсатилаётган эътиборнинг натижасидир.

— Коллежимизда иқтидорли ёшлар, шу билан биргаликда фидойи ўқитувчилар кўпчиликни ташкил этганлиги туфайли ўқув-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилган, — дейди коллеж директори Неъмат ака Абиев. — Ютуқларимизнинг сабаби ҳам ана шунда.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Қашқадарё вилояти

Туҳфа

"Ғамхўрликдан бошимиз осмонга етди"

2010 йилнинг бошланиши ҳамда Ватан himoячилари куни Қашқадарё вилоятидаги округ хизматчилари учун қўшалоқ байрамга айланди.

Округга қарашли ҳарбий бўлинмаларда хизмат қилаётган 35 нафар зобит ва кичик командирлар янги турар-жойларга кўчиб ўтдилар. Кўплаб ҳарбий оилаларга уй-рўзғор учун зарур жиҳозлар сотиб олишларига кўмаклашиш мақсадида 83 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Гуруҳ командири, сержант Элмурод Йўлдошевнинг оиласи ҳам янги уйда ҳовли тўйини ўтказди.

— Ҳарбий соҳадаги узоқ йиллик фаолиятим давомида кўпгина мукофотларга сазовор бўлганман, — дейди Э.Йўлдошев. — Бу йилги байрам ҳам унутилмас бўлди. Биз ҳарбийларга кўрсатилаётган бундай беғиёс ғамхўрлик учун Юртбошимизга чин юракдан миннатдорлик билдирамиз.

Ҳусан ТЕМИРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Қишлоқнинг муҳим воқеалари

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида "ICTNEWS" ахборот-таҳлил бюллетенининг биринчи сони нашрдан чиқди. Унда республикамиз ва хорижда ахборот-коммуникация технологиялари ва интернетни жорий этиш ҳамда ривожлантириш дастурлари, лойиҳаларининг амалга оширилиши борасидаги энг илғор ютуқлар, ахборот-таҳлил материаллари, замонавий технологияларни жорий этиш натижалари, соҳадаги энг сўнгги янгиликлар шарҳи кенг ёритилади.

Андижон вилояти Шаҳрихон туманида "Sdk group and" корхонаси иш бошлади. Мазкур корхонада асакалик автомобилсозларга ёнилғи, мой, ҳаво фильтрлари сингари бутловчи қисмлар етказиб берилмоқда.

Наманган вилояти Чуст тумани марказида янги шоҳбекат қуриб, фойдаланишга топширилди. Бир пайтнинг ўзида юз нафар йўловчига хизмат кўрсатиш имконига эга бўлган шоҳбекатдан туманнинг бир қатор қишлоқларига, шунингдек Наманган, Қўқон, Фарғона шаҳарларига автобуслар қатнови йўлга қўйилди. Шоҳбекат ҳудудида хизмат кўрсатиш, сервис, савдо шохобчалари иш бошлади. Бу ерда йигирмадан зиёд киши иш билан таъминланди.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Банклар ассоциацияси ҳамкорлигида аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича тижорат банклари ўртасида ўтказилган танловнинг 2009 йилдаги ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Энг яхшилар эътирофга муносиб

Иқтисодиёт барқарорлигида молия муассасаларининг алоҳида ўрни бор. Шу боис ҳам банкларни иқтисодиётнинг локомотивига менгзашади. Бу ўхшатиш кўпгина давлатлар иқтисодиётини танг аҳволга келтириб қўйган, ҳамон ўзининг салбий оқибатларини олиб келаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида янада яққолроқ намоён бўлаётир. Президентимиз раҳнамолигида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистонга таъсирини юмшатиш, унинг олдини олиш борасида амалга оширилган аниқ дастурий чора-тадбирлар натижасида иқтисодиётимизда барқарорлик, тараққиёт бўлаётир.

Таъкидлаш жоизки, бу синовдан муваффақиятли ўтиш учун олдиндан қўйилган пойдевор муҳим аҳамият касб этаётир. Президентимизнинг 2008 йилда "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонлари қабул қилинди. Мазкур дастуриламаллар тижорат банкларининг аҳоли омонатларини жалб қилиш борасидаги фаолиятини янада жадаллаштирди. Кўплаб омонатларни либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонлари қабул қилинди. Мазкур дастуриламаллар тижорат банкларининг аҳоли омонатларини жалб қилиш борасидаги фаолиятини янада жадаллаштирди. Кўплаб омонатларнинг кафолатланиши аҳолининг ишончини янада оширди.

Буни далиллар янада аниқроқ ифода этади. Ўтган икки йил мобайнида банклардаги аҳоли омонатларининг ҳажми салкам 4 баробар ошди. Биргина 2009 йилда аҳоли омонатлари 1,7 мартага оширишга эришилди. Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банклари ва уларнинг 4700 дан зиёд бўлинмалари миллий ва чет эл валютасида чекланмаган миқдорда ва муддатларда 400 дан ортиқ турдаги омонатларни аҳолига таклиф этмоқда.

Банкларнинг бу жараёнда фаоллашувида эса Президентимизнинг 2008 йил 31 октябрдаги "Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича Республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамият касб этаётир.

Қарорга кўра, аҳолининг бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилиш борасида тижорат банкларини рағбатлантириш, банкларнинг инвестиционфаолиятини кенгайтириш, уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш, энг муҳими, аҳолига кўрсатилаётган банк хизмати сифатини яхшилаш мақсадида ҳар йили тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиб келинмоқда.

Бу галги танлов 7 та асосий ва 11 та қўшимча номинациялар бўйича баҳоланди. Унга кўра, шаҳарларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Тошкент шаҳар минтақавий филиали, қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилишда "Агробанк"нинг Сирдарё тумани филиали танлов ғолиби, деб топилди. "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Навоий вилоятидаги "Ширин" мини-банки шаҳарларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши мини-банки, "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Чимбой мини-банки қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши мини-банки, "Асака" банкнинг Андижон филиали ва "Ипотека банк"нинг Наманган филиали йилнинг энг яхши жамғарма-махсус ғазнаси номига сазовор бўлди.

"Асака" давлат акциядорлик тижорат банки аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши банки номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди.

Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Сирдарё вилояти

"АГРОБАНК" САРМОЯСИ ҲИСОБИГА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Янгиер шаҳридаги "Самандар Севинч сервис" хусусий корхонасида "Агробанк"нинг Янгиер шаҳар филиали ажратган 100 миллион сўм кредит эвазига гўшт ва сутни қайта ишловчи мини технология ўрнатилиб, ишга туширилди. Корхонада 8 та ишчи ўрни яратилди. Айни вақтда ишлаб чиқарилаётган гўшт ва сут маҳсулотлари харидорларга манзур бўлаётир.

Сайхунобод туманидаги "Паррандачилик-Робот" хусусий корхонаси раҳбари Б.Ибрагимов икки йил олдин бир йўла 36 мингта жўжа очадиган "Универсал-55" инкубаторини ишга туширганди. "Агробанк" томонидан 10 миллион сўмга молиялаштирилган инкубаторияда ўтган йили 35 мингта жўжа очирилиб, фермер хўжаликларига сотилди. Корхонанинг ўзида эса паррандачиликни ривожлантириш мақсадида 9 мингта жўжа боқувда қолдирилганди. Фермада боқилаётган товуқлар ҳозирда маҳсулот бера бошлади. Етти хазинанинг бири — паррандачиликни янада ривожлантиришга бел боғлаган Б.Ибрагимов бу йил фермада боқилаётган товуқлар сонини 10 мингтага етказишга аҳд қилган.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ

Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат", "Ўзагросуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромашсервис", "Ўзгўштсутсаноат" уюшмалари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

Тошкент Вилояти

НАСОСЛАР — ОБИҲАЁТНИ ДАЛАГА ЕТКАЗУВЧИ ВОСИТА

Улардан самарали фойдаланиш юқори ҳосил олишда муҳим аҳамият касб этади

Мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири — қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ислоҳотлар самараси ўлароқ, соҳада катта ўзгаришлар юз берди, қатор муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Ер ўзининг муносиб эгасини топди, деҳқон кўнглида, унга қанот бахш этувчи интилиш, изланиш, ташаббус кўрсатиш ҳисси ошди. Бугун улар даласида эмин-эркин, замонавий техникалар воситасида меҳнат қиляпти, экинларига замонавий технологиялар асосида ишлов берябти. Кўриб ҳавасингиз келади. Ҳалол меҳнати ортидан келган даромад эвазига янги машина сотиб олган, қолаверса, қишлоғидаги ночорроқ оилаларга ёрдам қўлини чўзиб дуосини олган, элига қайишиб йўл таъмирлаган ёки кўприк бунёд этган кишига кимнинг ҳам ҳаваси келмайди, дейсиз?!

Албатта, деҳқону фермерлар, уларнинг эришган ютуқлари ҳақида кўп ва хўб ёзиш мумкин.

Шу ўринда биз пойтахт вилояти фермерларига яқиндан кўмак бериб, уларга елкадош бўлиб келаётган Тошкент насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси жамоаси, бу ерда меҳнат қилаётган соҳа вакиллари, уларнинг фидойи меҳнатлари ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Тасарруфидаги 405 та насос агрегати, 50 дона тик ва суғориш қудуғи, 104 та подстанция, 133 дона трансформатор, 210,7 км. электр узатиш линияси, 146 та ҳар хил русумли радиостанциялар, гидроиншоотлардаги автоматика ва телемеханика қурилмаларини сифатли таъмирлаб, насос станцияларининг мунтазам ишлашини таъминлаб келаётган мазкур бошқарма жамоасида айни пайтда 850 нафардан кўпроқ ишчи меҳнат қилмоқда.

Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бўйича 2008-2012 йилларга мўлжалланган аниқ ҳисоб-китобларга асосланиб ишлаб чиқилган тадбир доирасида ўтган йили вилоятдаги "Уртукли" ва "Каранкўл" мелиоратив насос станцияларидаги 2 дона насос агрегати, 6 та мелиоратив қудуқ тўлиқ таъмирланиб, ишга туширилди. Бунинг натижасида ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, сув сатҳи 2 метрдан 4 метргача пасайтирилди. 2009 йил "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Давлат ва фермер хўжаликлари тасарруфидаги 254 дона насос агрегати, 6 та мелиоратив ва суғориш қудуғи тўлиқ таъмирланди. Натижада, насос станцияларига бириктирилган 77 минг гектардан ортиқ майдондаги қишлоқ хўжалик экинларига ўз вақтида сув етказиб берилиб, юқори ҳосил олишга эришилди. Шунингдек, вилоятдаги 3676 гектар майдонда қутилаётган сув танқислигининг олдини олиш бўйича 18 та насос агрегати ишга туширилиб, 98,7 миллион м³ қўшимча сув олиш имкони яратилди.

Бекобод тумани Ойбек фермерлар уюшмаси ҳудудидаги фермер хўжаликларининг сув таъминотини яхшилаш мақсадида эса вилоят ҳокимлиги кўмагида "Қумли" зовуридан "Далварзин ўнг ирмоқ" каналига сув ташлаш учун 24 НДН насоси 200 кВт электрдвигатели ва СНПЭ 500/10 насос қурилмаси ўрнатилиб, 1,5 м³/сек қўшимча сув чиқарилди. Натижада, минг гектар ердаги қишлоқ хўжалиги экинларига сув етказиб берилди.

Бўка тумани Паркент-Тинчлик СФУ таркибидаги "Сардор эрка нур", "Санганк" ва "Шербек Бобур" фермер хўжаликлари ҳисобидаги 3 дона СНП 50/80 русумли насос қурилмасининг ишлатиш муддати ўтиб кетганлиги, оқибатда чиқарилаётган сув анча пасайиб кетганлиги. Насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармаси мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилиб, СНП 50/80 русумли насос ўрнига янги К-200-125-330 русумли насос ўрнатилди ва сув чиқарилди. Бунинг натижасида 3 та фермер хўжалигига қўшимча 150 л/сек сув олиш имкони яратилиб, йилига 420 минг кВт электр энергияси ёки 27 миллион сўм маблағ иқтисод қилишга эришилди.

СФУ ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги насос агрегатларининг эксплуатациясини тўғри йўлга қўйиш, уларнинг ишлаш даврийлигини ошириш, насосларни монтаж-демонтаж қилиш, бошқарув шкафларида созлаш ишларини бажариш бўйича бошқарма ишчиларидан иборат таъмирлаш бригадасининг тузилгани фермерлар учун айни муддао бўлди. Бригада ўтган йили фермер хўжаликлари ҳисобидаги 132 та насос агрегатини бепул таъмирлаб берди. Натижада, фермерларнинг бу юмушга сарфлайдиган салкам 90 миллион сўм маблағлари иқтисод қилиб қолинди. Бу ишлар, албатта, жорий йилда ҳам давом эттирилмоқда. Шунингдек, ишчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида туманлардаги насос станциялари ҳудудида боғлар, чорвачилик, паррандачилик хўжаликлари ҳам ташкил этилган, яқинда барча ҳовузлар тайёр ҳолга келтирилиб, балиқчилик фаолияти ҳам йўлга қўйилди. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, жамоада аввало аҳиллик, иноқлик бўлса, қолаверса, раҳбар янгиликка интилувчан, қобилиятли, ташаббускор бўлса, албатта, бундай жойда ривожланиш, барака бўлади. Мазкур жамоада ҳам бу жиҳатларни рўйи рост кўришимиз мумкин. Амалга оширилган ишлар, эришилган муваффақиятлар фикримизни тасдиқлаб турибди.

Дарвоқе, яна бир гап. Бошқарма бошлиғи, тажрибали раҳбар, ўз касбининг ҳақиқий билимдони Насибулла Манноповнинг ташаббуси билан бошқармадаги 11 нафар ёш, иқтидорли мутахассисга илғор технологияларни ривожлантириш ва изланишлар олиб бориши учун насос агрегатларини тиристорли бошқариш шкафларини таъмирлаш, созлаш ишлари бажариладиган лаборатория яратилмоқда. Бу ҳам, албатта, Тошкент насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси жамоасининг Баркамол авлод йилидаги хайрли қадамларидан биридир. Ўз олдига қўйган аниқ мақсад сари интилаётган ушбу соҳа фидойилари фаолиятига катта муваффақиятлар тилаймиз.

Раимқул СУЯРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Қўлланма мавзуси — ирригация

Юртимиз иқлими, географик жойлашуви суғорма деҳқончиликни талаб этади. Халқимиз минг йиллар мобайнида суғорма деҳқончиликда тажриба орттирган. Сув ва ерни азиз билиб, эъзозлаб келган. Деҳқончилик тарихи халқимизнинг обиҳаёт учун кураши тарихи билан боғлиқ. Бу узоқ ва заҳматли жараёнда биринчи томондан экинзорларни суғориш, чўлларни боғу бўстонга айлантириш учун сув олиб келиш лозим бўлган бўлса, иккинчи томондан тошқинларнинг олдини олиш учун ҳаракат бўлган.

Фарғона водийсининг суғорилиш тарихи

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 97 фоизи суғориладиган ерларда етиштирилади. Таъкидлаш жоизки, ер ва сув тизими ниҳоятда мураккаб жараёндир. Шу боис ерларни суғориш, ўзлаштириш ва мелиорация борасида таҳлилларга эътиборни кучайтириш зарур бўлмоқда. Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони айни шу соҳада амалга оширилаётган ишларга дастуриламал бўлди.

Омилкор деҳқонларимиз сув танқислиги сезилган йилларда, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда халқимизнинг кўп йиллик тажрибалари, синовдан ўтган авангард усулларидан фойдаланиб келмоқдалар. Юртимиз деҳқончилигида Фарғона водийси деҳқончилиги муҳим аҳамият касб этади. Чунки Фарғона водийси қадимдан деҳқончилик ривожланган минтақалардан бўлиб келган.

Яқинда "Янги аср авлоди" нашриёти томонидан Қобулжон Насритдиновнинг "Фарғона водийсининг суғорилиш тарихи" монографияси чоп этилди. XIX асрнинг иккинчи ярми-XX асрнинг иккинчи ярмидаги Фарғона водийсининг суғорилиш тарихига бағишланган ушбу асарда табиий сув манбалари, суғорма деҳқончиликнинг ривожланиш босқичлари, суғориш бўйича ишлаб чиқилган илмий лойиҳалар, суғориш иншоотларининг бунёд этилиши тарихига назар ташланган.

Тарихчилар, сув хўжалиги ходимлари, тадқиқотчилар, умуман кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган ушбу китоб кўпчиликни бефарқ қолдирмаслиги аниқ.

Қ.ЭРГАШЕВ,
тарих фанлари доктори, профессор,
И.ШОДМОНҚУЛОВ,
тарих фанлари номзоди, доцент,
И.АБДУРАҲМОНОВ,
Н.ҚОДИРОВ,
ТДИУ катта ўқитувчилари.

YETTI IQLIMDAN BIR SHINGIL

ОЛДИНДА ИККИНЧИ ТУР

17 январь куни Украинада президентликка сайловларнинг биринчи босқичи бўлиб ўтди. Овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган украиналикларнинг 66,68 фоизи иштирок этган сайловнинг дастлабки натижаларига кўра мухолиф ҳисобланган Регионлар партияси етакчиси Виктор Януковичга сайловчиларнинг 36,86 фоизи ишонч билдирган. Украина бош вазири Юлия Тимошенко эса 24,35 фоиз овоз олган. 13,05 фоиз овоз олишга Сергей Тигипко эришди. Амалдаги президент Виктор Юшенко номзодига бор-йўғи 4,87 фоиз сайловчи овоз берган.

Сайловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ жараёнларни кузатиш учун кўплаб халқаро кузатувчилар Украинага ташриф буюрди. Бу сайлов грузияликлларда жуда катта қизиқиш уйғотганга ўхшайди. Шунинг қизиқки, сайлов муносабати билан Украинага келган Грузиядан бошқа хорижлик кузатувчиларнинг умумий сони 3100 нафар бўлгани ҳолда, биргина Грузиядан келган кузатувчилар сони ҳам 3000 тага етиб қолди. Украина марказий сайлов комиссияси раиси Владимир Шаповалов грузиялик уч мингта кузатувчи расман рўйхатга олинмаслигини маълум қилганди. Бу ҳолат ҳам грузиялик кузатувчиларни тўхтатмади. Масалан, биргина Донецк шаҳрига 379 нафар грузиялик кузатувчи учиб келди, лекин улар ўз ташрифларидан мақсад интернет орқали танишган дўстларини йўқлаш эканини айтишган. Сайлов жараёнида баъзи сайлов участкаларида айнан грузиялик кузатувчиларнинг айби билан тартибсизликлар рўй берган, ҳатто уларнинг бир нечтаси ҳибсга олинган. Демак, номзодларнинг ҳеч бири 50 фоиздан ортиқ овоз ололмади ва энди дастлабки икки ўринни эгаллаган номзодлар қайта овозга қўйилади.

ГАИТИ КЕНГ КЎЛАМЛИ ЁРДАМГА МУҲТОЖ

Гаитида 12 январь куни юз берган, мислсиз вайронагарчиликлар ва қурбонлар келтирган зилзила оқибатларини бартараф этиш борасида вазият ҳамон оғирлигича қолмоқда. Шу муносабат билан мамлакатда эълон қилинган фавқулодда вазият январь ойи охиригача давом этиши маълум қилинди.

Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, ҳозиргача зилзила туфайли ҳалок бўлганларнинг 70 минг нафари оммавий қабрларга кўмилган. Қурбонлар сони 250 мингтага етиши эҳтимолдан йироқ эмас. Қарийб 1,5 миллион одам бошпанасиз қолган. Худудда озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимлик суви ва дори-дармонлар танқислиги, шунингдек, вайроналар остида қолган жасадларни чиқариб олишдаги қийинчиликлар бу ерга турли мамлакатлардан етиб келган қутқарув хизмати ходимлари учун муаммолар туғдирмоқда. Якшанба куни Гаитига ташриф буюрган Бирлашган миллатлар ташкилоти бош котиби Пан Ги Мун ҳудудга гуманитар инқироз, эпидемия хуружи хавф солаётгани муносабати билан ривожланган мамлакатлар ва БМТ томонидан кўрсатилажак инсонпарварлик ёрдами кўламини янада ошириш лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

25 январда Канадада Гаитига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш масалаларига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Самарқанд Вилояти

ЯНГИ УСКУНА АФЗАЛЛИКЛАРИ

Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида кичик ўлчамли дон тозалаш ускунаси яратилди

Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида соҳа моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, малакали мутахассислар билан таъминланди. Айни вақтда профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларни амалиётга жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Анъанавий равишда ўтказиб келинаётган республика инновацион юғлар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси ҳам ана шундай эътибор самарасидир.

Навбатдаги ярмаркада Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти олим ва тадқиқотчилари ўзларининг олтита лойиҳаси билан қатнашишни мўлжалламоқда. Жумладан, ярмаркада институт доценти Шодиёр Сувонқулов ва Тошкент аграр университети магистранти Асрор Бойқобилов лойиҳаси асосида яратилган дон тозалаш ускунаси ҳам намойиш этилади.

— Кейинги йилларда мамлакатимизда ғаллачиликда юқори натижаларга эришилмоқда, — дейди техника фанлари номзоди Шодиёр Сувонқулов. — Юқори сифатли ва ҳосилдор, табиий иқлим шароитимизга мос навлар экилиши туфайли фермер ва деҳқон хўжаликлари мўл ҳосил етиштирмоқда. Бу уларга шартнома режасини бажаргач, қолган ғалладан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш имконини бераётир. Лекин деҳқон ва фермерлар дон маҳсулотларини сақлаш, унга бирламчи ишлов беришда бирмунча муаммоларга дуч келмоқда. Бундай камчиликлар донни тозалаш, кесилган ва пуч доналарини ажратишда яққол сезилади. Айтиш керакки, аксарият ҳолларда бу иш қўлда бажарилади. Биз ишлаб чиққан дон тозалаш ускунаси ана шундай муаммоларга ечим бўла олади.

Бу ускуна ёрдамида дон аралашмасидаги тош ва қум заррачалари, пуч ва синиқ донлар ҳамда бошқа чиқиндилар алоҳида ажратиб олинади. Ускунанинг электр энергия сарфи 0,3 кВт/соатни ташкил этади. Иш унумдорлиги эса даннинг ҳолатига қараб соатига 150-200 килограммни ташкил этади. Ускуна ихчам ва фойдаланиш учун қулай бўлиб, уни уй шароитида, бир жойдан иккинчи жойга кўчириб ишлатиш мумкин. Лойиҳанинг дастлабки тажриба нусхаси институтда ишлаб чиқилди ва "Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг" компанияси Самарқанд филиали мутахассислари иштирокида синовдан ўтказилди.

Таъкидлаш лозимки, юртимиздаги бир қатор илмий муассасаларда ҳам ушбу турдаги дон тозалаш ускунасини яратиш борасида изланишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси ушбу лойиҳага патент беришга қарор қилди.

Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири.

«Қишлоқ ҳаёти»га жавоб берадилар

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНАДИ

Таҳририятимизга Қамаши тумани Оқгузар қишлоғида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар шикоят хати йўллаб, қишлоқда электр токининг тез-тез ўчириб қўйилиши натижасида юзага келаётган муаммолар хусусида сўз юритишганди. Яқинда ушбу мурожаатга туман ҳокими Р.МУҲАММАДИЕВдан жавоб хати олинди. Хат мазмуни қуйидагича:

Ҳақиқатан ҳам Оқгузар қишлоғида электр энергиясидаги қарздорликни камайтириш мақсадида чеклашлар ўрнатилган. Ушбу муаммони бартараф қилиш учун туман электр тармоқлари корхонасида махсус ишчи гуруҳи тузилиб, чеклашларни камайтириш мақсадида қарздорликни қисқартириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Ҳозирги кунда мазкур ҳудудларни энергия билан таъминлаш ишларини янада яхшилаш чоралари амалга оширилмоқда. Насослар ёрдамида сув ичадиган ҳудудларга электр энергия узлуксиз етказиб берилмоқда.

Андижон Вилояти

ЕРНИ БОҚҚАН КАМ БЎЛМАЙДИ

● Интилиш

Ернинг қувватини оширувчи омиллар кўп. Бу борада ота-боболаримиздан бизга анчагина ибратли тажрибалар қолган. Жумладан, ерни бойитишда маҳаллий ўғитнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Балиқчи тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Рустамжон Каримов билан айни шу хусусда суҳбатлашиб қолдик. У маҳаллий ўғит жамғариш ва ундан самарали фойдаланиш борасида бошқа ҳамкасбларига ибрат бўлаётган Баҳромжон Қосимовнинг иш тажрибаси ҳақида гапириб берди.

Баҳромжон маҳаллий ўғит жамғариш ва ундан унумли фойдаланишда бошқаларга ўрнак бўлаётир. Фермерлик мақомига эришганига 13 йил бўлган Баҳромжон 2009 йил якуни бўйича ҳосилдорлик ва даромад борасида туманда олдинги ўринда бўлди.

— Деҳқончилик бизга ота мерос, — дейди Баҳромжон Қосимов. — Падари бузрикворим узоқ йиллар собиқ "Ўзбекистон" ширкат хўжалигида бош ҳосилот бўлиб ишлаган. Отам чорва молларимизнинг гўнгларини бир жойга тўплатар, кузга борганда эса далага ташитарди. Томорқамизга ҳам чиритилган гўнг солиб, сўнгра ҳар хил экинлар экиб, бизнинг кўзимизни пиширарди. Фермер бўлиб, ерга чигит ёки буғдой экиб кўрганимдан сўнггина отамнинг маҳаллий ўғитга бу қадар эътиборли бўлганлигини англаб етдим.

Бир даланинг ўзида ғўзанинг бўй-басти турлича бўлди. Бир жойдаги ғўзалар шиғил-шиғил кўсак олди. Бошқа жойда эса кўсаклар сони оз ва пишган пахтанинг вазни енгил ўтирди. Бир даладаги турлича ҳосилдорликнинг асл сабабини билолмадим. Ахийри, отам билан бирга ишлаган деҳқонларга дилимдагини тилимга чиқардим. Улар "ернинг қуввати кета бошлабди, босиб-босиб гўнгласанг асл ҳолига қайтади", деб айтишди. Шундан буён йил 12 ой маҳаллий ўғит жамғариш билан шуғулланишни канда қилмайман.

Экинларга берилаётган минерал ўғитларнинг атига 35-40 фоизи ўсимликлар томонидан ўзлаштирилаётганлиги аллақачон ўз исботини топиб бўлди. Кимёвий ўғитларнинг экинлар томонидан ўзлаштирилишига кўмакчи бўладиган юзлаб хилдаги табиий элементлар тупроқда камайиб бормоқда. Тупроққа маҳаллий ўғит ва чиринди кўп тушган сайин ушбу муаммо ҳам ечимини топиши олимларимиз томонидан олиб борилган тажрибаларда аён бўлган. Баъзи бир фермерлар ғўза илдизининг чуқур кетмаётганлигидан куйинишади. Ғўза илдизи истаган табиий элементларнинг камлиги боис томирлар узоққа бора олмаяпти. Хуллас, ҳар қандай агротехник тадбир ўта мукаммал даражада ўтказилган тақдирда ҳам тупроқ табиий тарзда бойитилмаса, ҳар қандай экин ҳосилдорлиги деҳқон кутган даражага ета олмас экан.

Атиги 5 гектар ер билан фермерликни бошлаган Баҳромжоннинг айни вақтда экин майдони 103,7 гектарга етди. Ўтган йили 41 гектар ерга буғдой экиб, 67,5 центнердан дон янчиб олди. Шартнома режаси бўйича 172 тонна ғалла давлатга сотилиб, асосий қисми уруғлик бўлганлиги боис 51 миллион сўм даромад кўрди. Хирмонда қолган дон 48 нафар фермер хўжалиги аъзоларига 500 килограммдан 1,5 тоннагача бўлиб берилди.

"Обиджон ота" фермер хўжалигида 51,6 гектар майдонга ғўзанинг "С-6524" нави экилди. Шартнома бўйича ҳосилдорлик 31,1 центнер қилиб белгиланди. Амалда эса 36 центнердан ҳосил йиғиб-териб олинди. Тайёрланган 185,7 тонна пахтанинг 178 тоннаси биринчи навга қабул қилинди.

Хўжаликда чорвачилик ҳам ривож топмоқда. Хўжалик ихтиёрида 35 бош қорамол ва 70 бош қўй бор. Баҳромжон маҳсулдор пода яратишга астойдил киришган. Ҳар бош сигирдан кунига 12 килограммдан сут соғиб олишга эришяпти. Унинг мақсади бу кўрсаткични яқин йиллар ичида 18-20 килограммга етказишдир. Чорва учун ажратилган оз миқдордаги ер майдонидан янада унумли фойдаланиш, такрорий экин сифатида эса кунгабоқар ва маккажўхорини қўшиб экиш орқали озуқа бирлиги миқдори ва силос сифати ортиб бормоқда.

Кимдир "Обиджон ота" фермер хўжалигининг маҳаллий ўғит жамғариш бўйича имкониятлари етарли экан, дея хулоса қилиши аниқ. Бу хулосага қўшимча изоҳ шуки, Баҳромжоннинг маҳаллий ўғит жамғариш бўйича ўзига хос яна бир тажрибаси бор. Кўплаб фермерлар ғалла мавсумида тойланган сомонларини жойининг ўзида нақд пулга сотиб юборишади. Баҳромжон фермер бўлгандан буён бирор марта ҳам сомон сотмаган. Аксинча, сомонга харидор бўлиб келганларга "гўнг олиб келинг ва сомонни юклаб кетинг", деб жавоб беради. Бу таклиф ҳамиша харидорга маъқул келади. Қарабсизки, ҳар даланинг бошида маҳаллий ўғит уюми пайдо бўлади. Фермер даласида бир эмас, 16 та шарбат ўра бор. Экинга сув ҳамиша шарбат усулида берилади. Айни вақтда Баҳромжон экин майдонларининг ҳолатига қараб кузги шудгор олдидан гектарига 20 тоннагача гўнг беради. У отаси каби ҳар гектар ерга навбатма-навбат камида 40 тоннадан маҳаллий ўғит солишга имкон яратиш учун ҳаракат қиляпти.

Баҳромжон билан "Чинобод" МТПсида учрашдик. У механизаторлар Алишер Иляминов, Бахтиёр Ҳайитов, Зайнобидин Муродовлар билан таъмирга тортилган техника воситаларини кўздан кечираётган эди. "Обиджон ота" фермер хўжалигининг 3 та "МТЗ-80", 1 та "Олтой" трактори, 3 та прицепи, 2 та культиватори, чигит экиш сеялкаси, "ОВХ" си, омочи, "Класс" дон ўриш комбайни ва бошқа тиркамалари таъмири якунига етиб қолди.

Барқарор ҳосилдорлик ва юқори сифат эвазига олинаётган соф фойда боис фермер хўжалиги фаолиятида ўсиш, ўзгариш юз бермоқда. Фермернинг айтишича, ерни парваришлашга алоҳида эътибор бераётганлиги эришилаётган ютуқларнинг омили бўлаётир.

Қобилжон АСҚАРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

АГРОМАСЛАҲАТХОНА

ЗАНГ – ҲОСИЛГА СОЛМАСИН ЧАНГ

УНГА ҚАРШИ САМАРАЛИ КУРАШИШ УЧУН ҲОЗИРДАН ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ

Деҳқонларимиз парваришлаётган ғалла майсаларидан мўл ҳосил олишда агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг баробарида ғаллани касаллик ва зараркунандалардан асраш, уларга қарши ўз вақтида чора-тадбирлар ўтказиш зарур. Ўсимликларга, хусусан, ғаллага катта зарар етказадиган касалликлардан бири зангдир. Ушбу хавфли касаллик катта майдонларга худди ёнғиндай жуда тез тарқалиши ва ҳосилга ўта жиддий зарар етказиши мумкин.

Юртимиз ғаллазорларида сариқ занг, қўнғир занг ва поя занги учрайди. Улардан кенг тарқалгани сариқ занг бўлиб, у далаларда эрта баҳорда пайдо бўлиши мумкин. Қўнғир занг одатда апрель охири-май бошларида пайдо бўлади. Поя занги ҳозиргача аҳамиятсиз касаллик ҳисобланмоқда, чунки у фақат тоғолди минтақалари ва қирларда, экинларнинг кам қисмида ва паст даражада, доим мавсум сўнгида (май охири — июнь бошларида) кузатилиб, ҳосилга зарар етказмайди. Шунингдек, Шарқий Африкада пайдо бўлган поя занги қўзғатувчисининг янги ирқи Марказий Осиё йўналишида тарқалиб келмоқда (2007 йилда Эронга етиб келган) ва у Ўзбекистонга кириб келишининг хавфи катта, бу эса ғаллакорлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳа мутахассислари буғдойзорларда мунтазам кузатувлар ўтказиб турилишини ташкиллаши ва ушбу касаллик аниқланган ҳолда, тезкор ҳимоя тадбирларини қўллаш лозимлигини тақозо этади.

Занг билан зарарланган ўсимлик барглари ва бошқа аъзоларида олдин кичик, оқ ёки оч-сариқ тусли доғлардан бошланадиган ёстиқчалар, уларнинг ичида эса споралар — касаллик тарқалиши учун хизмат қиладиган микроскопик "уруғлар" пайдо бўлади. Етилган ёстиқчалар зарарланган аъзоларнинг тўқима қобиғини ёриб, ташқарига очилади ва споралар атрофга шамол билан тарқалади.

Дала шароитида буғдой барларида занг касаллигининг ёстиқчаларини лупа ёрдамида аниқ кўриш мумкин. Барғнинг ёстиқчалар бўлган жойини қўл билан силаганда (агар ёстиқчалар очилган бўлса) бармоқларга сарғиш-қизғиш тусли кукун ёпишиб қолади. Бу усулларни қўллаб барларда занг мавжудлигини аниқлаш мумкин, аммо зангнинг қайси тури экканлигини билиш учун уларнинг экиндаги белгиларини таҳлил қилиш лозим.

Сариқ занг буғдойнинг барларини зарарлайди. Кучли ривожланганда барг қини, бошоқ қилтиқлари, бошоқчаларнинг тангачалари ва донга ўтади. Қўзғатувчи барг ва барг қинининг тўқимаси ичида узунасига ўсиб, тўқима қобиғи остида жойлашган, сап-сариқ тусли, узунлиги 1 см.дан баргнинг деярли бутун узунлигигача етадиган чизиқчалар ва тасмачалар ҳосил қилади. Ёстиқчаларда катта миқдорда чанг-симон споралар ҳосил бўлади ва улар тўқима қобиғини ёриб, ташқарига очилади. Бошоқ қилтиқлари, бошоқчаларнинг тангачалари ва дон зарарланганида уларнинг устида нуқталар ёки калта чизиқчалар шаклидаги сариқ тусли ёстиқчалар пайдо бўлади.

Қўнғир занг буғдойнинг барглари-ни, баъзан барг қинини зарарлайди. Баргларнинг устки, камроқ остки тарафида, тартибсиз равишда, у ер-бу ерда тарқоқ жойлашган, деярли думалоқ шаклли, сарғиш-қўнғир тусли ёстиқчалар, уларнинг ичида эса сарғиш-қўнғир тусли споралар кукуни ҳосил бўлади.

Поя занги буғдойнинг поялари ва барг қинларини, кам ҳолларда барглари, бошоқчалар тангачалари ва бошоқ қилтиқларини зарарлайди. Зарарланган ўсимлик аъзоларининг у ер-бу ерида ривожланадиган ёстиқчалар тартибсиз равишда жойлашади. Улар калта тасмача ёки узунчоқ шаклли, бир-бирига қўшилиб кетувчи, ёш майсаларнинг барларида деярли ромб шаклли, қизғиш-қўнғир тусли бўлади. Ёстиқчалар ёрилганида, уларнинг ичида ғиштсимон-қизил ёки қизғиш-қўнғир тусли, чангсимон споралар намоён бўлади. Ёстиқчаларнинг устида ва четларида ўсимлик тўқимаси қобиғининг қисмлари йиртилган латта қолдиқларига ўхшаб, осилиб қолади.

Ёзда ўсув даврида занг касаллигини қўзғатувчи замбуруғлар споралари билан тарқалади. Касаллик бир мавсумда 7-10 ёки ундан ҳам кўпроқ авлод бериб ривожланиши мумкин. Бу эса экин зарарланиш даражаси тез ортишига олиб келади. Занг споралари ҳаётчанлигини йўқотмаган ҳолда, юзлаб ва минглаб километр масофаларга ҳаво орқали тарқалади.

Занг касалликлари ривожланишини таъминловчи асосий омиллар намлик ва ҳаво ҳарорати ҳисобланади. Буғдойга тушган споралар у ерда фақат томчи шаклли намлик (шудринг, ёмғир) ва муайян қулай ҳарорат мавжуд бўлганида ўса олади. Занг замбуруғлари буғдойни зарарлаши қуйидаги ҳароратларда бошланади: сариқ занг: 2 С°; қўнғир занг: 10 С°; поя занги: 15 С°. Занг замбуруғлари буғдойни қисқа вақт ичида зарарлаши (тўқималарга кириши), тўқима ичида тез ривожланиши ва тезда янги споралар ҳосил бўлиши учун қуйидаги қулай ҳароратлар бўлиши талаб этилади: сариқ занг: 8-15 С° (салқинсевар тур); қўнғир занг: 20-25 С° (илиқ ҳароратни афзал кўрувчи тур); поя занги: 29-30 С° (иссиқсевар тур).

Буғдой учун касалликнинг бирламчи ва ягона манбаи — тоғ ва тоғолди минтақаларида ўсадиган бошоқли ўтлардир. Уларда ривожланган споралар тоғолди минтақаларига яқин бўлган буғдой далаларига шамол билан ўтади, кузда униб чиққан буғдой майсаларининг барглари ичида қишлайди. Баҳорда барларда янги ёстиқчалар ва споралар ривожланади ва улар экин ичида касаллик тарқалишини таъминлайди.

Кураш чоралари қўлланилмаган буғдой далаларида занг касалликлари эрта (тупланиш-найчалаш даврида) пайдо бўлиб, байроқ барг чиқариш пайтига келиб, ўсимликлар кучли зарарланган тақдирда, сариқ занг ҳосилнинг 60-85 фоизини, қўнғир занг 45-50 фоизини нобуд қилиши мумкин. Бошоқ чиқариш пайтида буғдой ўсимликлари зарарланиши паст даражада (10-20%) бўлганида ҳам ҳосил йўқотилиши 3-8% дан (қўнғир занг) 6-12% гача (сариқ занг) етиши мумкин.

Занг касалликларини далада аниқлаш учун февраль, шимолий минтақаларда март ойидан бошлаб, ҳар 4-5 кунда бир марта кузатув ўтказилади. Бунда деҳқон-фермерлар ҳар бир даланинг 5-10 жойида 10 та ўсимлик (асосий поялар ҳисобида) текширишлари ва уларда касал ўсимликлар сони ва занг ривожланиш даражаларини ҳисобга олишлари лозим. Республика, вилоят ёки туман ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳа мутахассисларининг кузатувлари муайян йўналишларда ўтказилади, бунда ҳар 10 та даланинг 2-3 тасининг бир неча жойларида 10 тадан ўсимлик текширилади.

Ўзбекистонда районлаштирилган юмшоқ кузги буғдой навларининг аксарияти занг касалликларига чидамсиз, сариқ зангга эса чидамли нав мавжуд эмас. Шу сабабдан бугунги кунда буғдойни занг касалликларидан ҳимоя қилишнинг ягона ишончли усули — кимёвий усул — фунгицид пуркашдир. Занг касалликларига қарши Ўзбекистонда рухсат этилган самарали фунгицидлар қаторига Альто супер 33% эм. к. (0,3 л/га), Байлетон 25% н. кук. (1,0 кг/га), Бампер 25% эм. к. (0,5 л,га), Импакт 25% сус. к. (0,25-0,5 л/га), Колосаль 25% эм. к. (0,3-0,5 л/га), Консул 12,5% сус. к. (0,5-0,75 л/га), Крест 25% эм. к. (0,5 л/га), Пиларкур 25% эм. к. (0,3-0,5 л/га), Рекс 49,5% сус. к. (0,4-0,6 л/га), Титул 390 к. э. к. (0,26 л/га), Фалькон 48% эм. к. (0,4 л/га), Фоликур БТ 22,5% эм. к. (0,3-0,5 л/га), Торсо 22,5% эм. к. (0,3-0,5 л/га) ва бошқалар киради. Бу фунгицидларнинг аксарияти буғдойни ун-шудринг, сариқ доғланиш, септориоз ва бошқа касалликлардан ҳам самарали ҳимоя қилади.

Айни пайтда Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё марказининг барча вилоят ва туман бўлимлари буғдой майдонларининг қанча қисмида занг пайдо бўлиши мумкинлигини аниқлашмоқда. Унга асосланиб қисқа вақт ичида зарарланиши эҳтимол бўлган майдонларга етадиган миқдорда фунгицидлар захираларини тайёрлаб қўйиш лозим.

Баҳорда (март-апрель ойларида) занг мавжудлиги аниқланган буғдой далаларига, касаллик ривожланиш даражасини инобатга олмасдан, юқорида кўрсатилган фунгицидлардан бирортасини, суюқлик миқдорини гектарига 300-400 литрга етказиб, зудлик билан қўллаш лозим. Ишлов берилгандан кейин 3-4 соат ўтгач, ёмғир ёғиши кузатилганида бу фунгицидларнинг самараси камаймайди. Улар экинни зангдан 3-4 ҳафта давомида ҳимоя қилади. Об-ҳаво башорати билан боғлиқ ҳолда, бу даврдан сўнг касаллик ривожланиши давом этиши кутилганида, фунгицид билан яна бир ёки икки марта ишлов бериш керак бўлади.

Мақсадимиз эл фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этадиган мўл ғалла ҳосилини етиштиришдир. Бу жараёнда эса бефарқлик қимматга тушиши мумкин. Шу боис мўл ҳосилга замин бўладиган ҳар бир омилга жиддий эътибор қаратиш зарур.

Б.ҲАСАНОВ,
ТошДАУ кафедра мудири, биология фанлари доктори.
Р.ОЧИЛОВ,
Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази бош директори, биология фанлари номзоди.

Уй ҳайвонлари боқаётган аҳоли уларда учрайдиган касалликлар хусусида муайян маълумотга эга, албатта. Бу ҳақда тўлиқроқ ва батафсилроқ тушунчага эга бўлиш орқали эса юзага келиши мумкин бўлган хавф мумкин қадар бартараф этилади. Шу боис ҳайвонларда учрайдиган юқумли касалликлар хусусида атрофлича тушунча беришни лозим топдик.

ВЕТЕРИНАР ТАВСИЯСИГА АМАЛ ҚИЛЯПСИЗМИ?

Юқумли касалликнинг аниқ бир ҳудуд ёки кўп турдаги ҳайвонлар ўртасида тарқалишига эпизоотия дейилади. Бутун бир минтақа, бир неча мамлакат ва материкларни қамраб олган ҳолда тарқалса, бу ҳолат панзоотия деб аталади. Ҳайвонларда учрайдиган юқумли касалликлар 5 гуруҳга бўлинади:

1-гуруҳ — алиментар инфекциялар. Улар ҳайвон организмига тупроқ, ем, сув орқали ўтади ва овқат ҳазм қилиш тизимини зарарлайди. Бундай инфекцияларга куйдирги, оқсим, манқа, бруцеллёз каби касалликлар киради.

2-гуруҳ — респиратор инфекциялар. Нафас олиш йўллари шиллиқ пардалари ва ўпканинг зарарланиши билан кечади. Инфекция асосан ҳавотомчи йўли билан юқади. Ушбу касалликларга парагрипп, экзотик зотилжам, қўй ва эчки чечаги, гўштхўр ҳайвонлар вабосини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

3-гуруҳ — трансмиссив инфекциялар. Қон сўрувчи бўғимоёқлилар воситасида ўтади. Қўзғатувчилари доимо ёки алоҳида даврларда қонда бўлади. Бу касалликларга энцефаломиелит, туляремия, отларнинг юқумли анемияси кабилар тааллуқлидир.

4-гуруҳ — қўзғатувчилар тери орқали воситачилар иштирокисиз ўтадиган инфекциялар. Қоқшол, қутуриш, сигир чечаги ушбу касалликлар сирасига киради.

5-гуруҳ — аниқланмаган йўл билан зарарлайдиган инфекциялар.

Ўта хавфли касалликлар эпизоотиясининг шаклланишига сел оқимлари, сув тошқинлари, давлат ветеринария хизмати билан келишмай туриб ер ишларини олиб бориш, четдан олиб кириладиган ҳайвонлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, ем ва бошқа воситалар, четдан учиб келувчи ёввойи паррандалар тўпланадиган жойлар, ўта хавфли касалликлар ўчоқлари мавжуд жойларда кемирувчилар ва ҳашаротлар сонининг ортиши ва биологик терроризм манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Эпизоотик касалликлар манбаи бўлган эпизоотия ўчоғи молхона, қўра, чўчқахона, паррандачилик фермаси, яйлов, фермалар атрофидаги майдонлар бўлиши мумкин. Эпизоотик касалликларнинг энг хавфли жиҳатларидан бири шундаки, улар ҳайвонлардан одамларга юқиш эҳтимоли мавжуд. Ушбу касалликларнинг аксариятида даво чоралари самара бермайди.

Касби нуқтаи назаридан ҳайвонлар билан мулоқотда бўладиган чорвадор, овчи, ветеринар, зоотехник, қўриқхона ва ҳайвонот боғлари ходимлари, шунингдек, чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, жун)ни қайта ишлаш корхоналари ҳамда умумий овқатланиш ва озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш тизими хизматчиларида ушбу юқумли касалликлар билан оғриш эҳтимоли катта ҳисобланади.

Касаллик тури ўта хавфли бўлса карантин тадбирлари эълон қилинади. Аввало, касаллик ўчоғи қўриқлаш хизмати ходимлари томонидан тўлиқ қўриқланади. Бундай ҳоллар юз берганда иш фаолияти ўта зарур бўлган корхона ва ташкилотлардан ташқари қолган барча жойларда иш тўхтатилади. Озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш юк ортиш пунктлари орқали амалга оширилади. Одамларнинг бир жойда тупланишларига имкон қадар йўл қўйилмайди.

Мабодо касаллик ўта хавфли бўлмаса обсервация тадбири эълон қилинади. Яъни ҳудудга кириш ва чиқиш чекланади. Мол олиб чиқишга фақат дизенфекция тадбирлари ўтказилгандан сўнггина рухсат берилади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини назорат қилиш ишлари кучайтирилади.

Касаллик юққан деб гумон қилинганлар ва касалланганлар даволаш муассасаларига жўнатилади. Карантин ва обсервация муддатлари касалликнинг яширин даври муддатига боғлиқ бўлади ҳамда охирги бемор шифохонага ётқизилган ёки соғ одамлардан ажратиб қўйилган кундан бошлаб ҳисобланади. Бу тадбирлар касаллик ўчоғи дизенфекция қилиниши билан якунланади.

Уй ҳайвонлари ўртасида юқумли касалликлар тарқалиб кетишининг олдини олиш мақсадида ҳайвонлар ўз вақтида эмланиши, улар турган жойлар дизенфекция қилиб турилиши лозим.

Касалликларнинг олдини олишда аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш ҳам муҳим ўрин тутади. Уй ҳайвонларини боқаётган аҳоли жониворларни вақти-вақти билан ветеринар назоратидан ўтказиб, тегишли тавсияларга амал қилиши мақсадга мувофиқдир. Мутахассислар тавсиясига таяниб иш тутганлар ҳам моли, ҳам жони, яъни соғлиғи хавфсизлигини таъминлаган бўлади.

Захро ИЛЁСОВА,
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти катта ўқитувчиси.

Хабарлар

Сирдарё Вилояти

«ФАРҲОД»НИНГ НАСЛЧИЛИК ФЕРМАСИ

Ховос тумани "Фарҳод" сувдан фойдаланувчилар уюшмасидаги "Одил Али" фермер хўжалиги раҳбари Абдурасул Одилов Беларусдан 20 бош қора-ола зотли наслли мол келтириб, чорвачиликни ривожлантиришга астойдил бел боғлаганди. Ўтган икки йил ичида мулкдорнинг моллари 62 бошга етди.

Фермер хўжалигида алмашлаб экишнинг тўғри йўлга қўйилиб, 27 гектар майдондаги беда ва маккажўхоридан мўл ҳосил олинаётганлиги айни вақтда қишловнинг кўнгилли ва беталафот ўтказилишини таъминлаётир.

Ишбилармон жорий йилда 18 турдаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун қайта ишлаш цехини ишга тушириш чораларини кўраётир.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ

Хоразм Вилояти

ХИВАДА "АВЕСТО" ТАРИХИ МУЗЕЙИ

Бугунги кунда Хивада "Хоразм тарихи музейи", Махтумқули, Ажиниёз ҳамда "Хоразм табобати" каби ўнлаб музейлар фаолият кўрсатмоқда.

Янги йилдан улар сони яна биттага кўпайди. Ичанқалъанинг Жума масжиди рўпарасидаги Матпанобой мадрасасида "Авесто тарихи" музейи ташкил қилинди. Музейда инсоният тарихида яратилган ноёб асар — "Авесто" китоби ва ўша даврлардаги Хоразм ўлкаси тарихи, шунингдек, Ўрта Осиё иқлимига доир қимматли маълумотлар тўпланган.

Холмурод ҚУРБОНОВ

Бухоро Вилояти

ҲУНАРМАНДНИНГ СЕҲРЛИ ҚЎЛЛАРИ

Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи дарвозаларига ўймакор гуллар чизган йигитни кўпчилик яхши танимаслиги мумкин. У Бухоро туманида туғилиб ўсган ўймакор уста Собир Болтаевдир. Болалигидан рассом бўлишни орзу қилган Собиржон Тошкентдаги Беньков номли рассомлар тайёрлаш билим юртига ўқишга кириб, ёғоч ўймакорлиги бўлимида таҳсил олди.

— Бир куни Тошкентдан қайтаётгандим, — дея эслайди у, — йўлда каттақўрғонлик ўрта ёшли киши билан танишдик. У касб-коримни суриштирди ва олтита устун ясатмоқчи эканлигини айтиб, манзилимни ёзиб олди. Унинг буюртмасига дастлаб ишонмадим. Уйга етиб боргач, ортимдан ёғоч юкланган катта машина келиб қолди...

Ўшанда у биринчи буюртмани бажарди. Айни пайтда Каттақўрғон бозорига кириш йўлакларини безаб турган устунлар унинг илк ижоди намунаси саналади.

Қадим ҳунарлар сирасига кирадиган ёғоч ўймакорлиги нозик ва машаққатли иш. Чинор, қайрағоч, гужум ва ёнғоқ дарахтларидан ясалган дарвоза ҳамда устунларда ўймакорликнинг гўзал намуналарини учратиш мумкин.

Бухородаги барча тарихий обидаларни айланиб чиққан ҳунарманд ўша ерларда кўрганлари асосида ўз услубини яратиш пайтида келиб, ўсимликлар кучли зарарланган тақдирда, сариқ занг ҳосилнинг 60-85 фоизини, қўнғир занг 45-50 фоизини нобуд қилиши мумкин. Бошоқ чиқариш пайтида буғдой ўсимликлари зарарланиши паст даражада (10-20%) бўлганида ҳам ҳосил йўқотилиши 3-8% дан (қўнғир занг) 6-12% гача (сариқ занг) етиши мумкин.

Занг касалликларини далада аниқлаш учун февраль, шимолий минтақаларда март ойидан бошлаб, ҳар 4-5 кунда бир марта кузатув ўтказилади. Бунда деҳқон-фермерлар ҳар бир даланинг 5-10 жойида 10 та ўсимлик (асосий поялар ҳисобида) текширишлари ва уларда касал ўсимликлар сони ва занг ривожланиш даражаларини ҳисобга олишлари лозим. Республика, вилоят ёки туман ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳа мутахассисларининг кузатувлари муайян йўналишларда ўтказилади, бунда ҳар 10 та даланинг 2-3 тасининг бир неча жойларида 10 тадан ўсимлик текширилади.

Ўзбекистонда районлаштирилган юмшоқ кузги буғдой навларининг аксарияти занг касалликларига чидамсиз, сариқ зангга эса чидамли нав мавжуд эмас. Шу сабабдан бугунги кунда буғдойни занг касалликларидан ҳимоя қилишнинг ягона ишончли усули — кимёвий усул — фунгицид пуркашдир. Занг касалликларига қарши Ўзбекистонда рухсат этилган самарали фунгицидлар қаторига Альто супер 33% эм. к. (0,3 л/га), Байлетон 25% н. кук. (1,0 кг/га), Бампер 25% эм. к. (0,5 л,га), Импакт 25% сус. к. (0,25-0,5 л/га), Колосаль 25% эм. к. (0,3-0,5 л/га), Консул 12,5% сус. к. (0,5-0,75 л/га), Крест 25% эм. к. (0,5 л/га), Пиларкур 25% эм. к. (0,3-0,5 л/га), Рекс 49,5% сус. к. (0,4-0,6 л/га), Титул 390 к. э. к. (0,26 л/га), Фалькон 48% эм. к. (0,4 л/га), Фоликур БТ 22,5% эм. к. (0,3-0,5 л/га), Торсо 22,5% эм. к. (0,3-0,5 л/га) ва бошқалар киради. Бу фунгицидларнинг аксарияти буғдойни ун-шудринг, сариқ доғланиш, септориоз ва бошқа касалликлардан ҳам самарали ҳимоя қилади.

Айни пайтда Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё марказининг барча вилоят ва туман бўлимлари буғдой майдонларининг қанча қисмида занг пайдо бўлиши мумкинлигини аниқлашмоқда. Унга асосланиб қисқа вақт ичида зарарланиши эҳтимол бўлган майдонларга етадиган миқдорда фунгицидлар захираларини тайёрлаб қўйиш лозим.

Баҳорда (март-апрель ойларида) занг мавжудлиги аниқланган буғдой далаларига, касаллик ривожланиш даражасини инобатга олмасдан, юқорида кўрсатилган фунгицидлардан бирортасини, суюқлик миқдорини гектарига 300-400 литрга етказиб, зудлик билан қўллаш лозим. Ишлов берилгандан кейин 3-4 соат ўтгач, ёмғир ёғиши кузатилганида бу фунгицидларнинг самараси камаймайди. Улар экинни зангдан 3-4 ҳафта давомида ҳимоя қилади. Об-ҳаво башорати билан боғлиқ ҳолда, бу даврдан сўнг касаллик ривожланиши давом этиши кутилганида, фунгицид билан яна бир ёки икки марта ишлов бериш керак бўлади.

Мақсадимиз эл фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этадиган мўл ғалла ҳосилини етиштиришдир. Бу жараёнда эса бефарқлик қимматга тушиши мумкин. Шу боис мўл ҳосилга замин бўладиган ҳар бир омилга жиддий эътибор қаратиш зарур.

Б.ҲАСАНОВ,
ТошДАУ кафедра мудири, биология фанлари доктори.
Р.ОЧИЛОВ,
Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази бош директори, биология фанлари номзоди.

Қашқадарё Вилояти

ОЗУҚА ЕТАРЛИ БЎЛСА, ҚИШЛОВ МУАММО ТУҒДИРМАЙДИ

Қорақўлчилик

Қашқадарё вилояти "Қорақўл" ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли хўжаликларда қиш мавсумини муваффақиятли ва талафотсиз ўтказиш мақсадида режали ишлар уддаланмоқда. Муборак туманидаги Олим Оқмаматов раҳбарлик қилаётган "Муборак" наслчилик қорақўлчилик хўжалиги республикамизда номи тилга тушиб улгурган жамоалардан бири ҳисобланади. 187 минг гектар ҳудудни эгаллаган яйловларда қўй боқаётган 65 та отарлардаги чўпончўлиқларнинг мақсади маҳсулдорликни ошириш, сурувга сурув қўшишдир.

— Етти хазинанинг бири ҳисобланган қўйчиликда тажриба, фан янгиликлари ва амалиётга қўшиб биргаликда олиб борилсагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин бўлади, — дейди Косон туманидаги "Турон" қорақўлчилик хўжалиги бош ветеринари, тажрибали чорвадор Рустам Узоқов. — Ўтган йили белгиланган миқдорда қорақўл тери тайёрладик. Бу йил қўзиларнинг асосий қисмини ўстиришга қолдирмоқчимиз.

Ширкат яйловларида 13 минг бош қўй-қўзи боқилмоқда. Улар парвариши Каракли, Бешотар, Толоқтепа яйловларида сурув ортидан яйлов кезаётган бош чўпонлар — "Шуҳрат" медали соҳиби Эркин Тўраев, Саноқул Мухторов сингари юзлаб чўпонларга ишониб топширилган. Улар ўз зиммаларидаги вазифани оила аъзолари билан бекаму кўст уддалашмоқда. Хўжаликда барча отарлар ичимлик суви билан таъминланган. Энг олисда жойлашган Қирсой, Ўйрот яйловларидаги чўпон оилалари ҳолидан тез-тез хабар олиб турилади. Замонавий коллеж, мактаблар ўқувчилар хизматида. Хўжаликнинг Олачобоп қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 50 ўринли касалхона ишлаб турибди. У зарур тиббиёт анжомлари билан жиҳозланган.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида Деҳқонобод туманидаги Мардон Ибрагимов номли ширкат хўжалиги Оғритма қишлоғи аҳолисининг кўп йиллик орзулари амалга ошди. Сабаби бу гўшага олисдан, яъни тоғ бағридан тоза ичимлик суви келтирилди. 800 куб метр сув сақланадиган ҳовуз эса ўн йиллардан бери яроқсиз ҳолга келиб қолганди. Ана шу иншоот қайтадан таъмирланди. 45 чақиримлик сув қувурларининг 5 чақирими янгисига алмаштириб берилди. Натижада сув таъминоти яхшиланди. Эътиборга молик жиҳати шундаки, барча харажатлар "Шўртангазкимё" мажмуаси томонидан тўланди.

Ҳозир кўпни кўрган Бободулла Алихонов, Шукур Бўриев, Эргаш Совғатов сингари отахонлар "Сувдек азиз бўлинг", деб қишлоқларини обиҳаёт билан таъминлаган ҳомийларни дуо қилиб, алқашмоқда.

"Пачкамар" қорақўлчилик ширкат хўжалиги тоғли Ғузор туманидаги чорвадор жамоалардан. Фурқат ака Нормуродов юздан зиёд чўпонлардан бири. Ҳозир ихтиёрида 400 бош қўй-қўзиси бор.

— Саккиз нафар фарзандларим орасида ўғлим Нурмуродга меҳрим бўлакча. У ҳам чўпонлик касбимизни давом эттиришини орзу қиламан, — дейди у. — Тайёрланган 40 тонна дағал хашак, ем, арпа қишлиқировли кунларда чорвага жудаям асқотмоқда.

Исмат ака Жалилов бош чўпонлик қилаётган отар шундоққина қир бағрида жойлашган. Биз борган пайтимизда у сурувни кўздан кечираётган экан. Диққатимизни чўпоннинг Сортой, Бўйноқ, Рокки лақабли бўрибосар итлари тортди.

— Дашту чўллар, тоғу тошларнинг тенгсиз кўрикчилари ана шу сиз кўриб турган бўрибосарлар ҳисобланади, — дея бўйдор гавдали, калласи катта, оёқлари бақувват итларга ишора қилди чўпон.

Исмат ёш чўпонлардан. Ихтиёридаги 300 бош қўй-қўзини қишловдан чиқимга йўл қўймасдан олиб чиқиш учун астойдил бел боғлаган. Ширкатнинг 65 минг гектар майдонини эгаллаган яйловларида шу кеча-кундузда 22 минг 300 бош қўй-қўзи боқилмоқда. Улар парвариши билан 70 отардаги чўпонлар банд.

Хўжалик бош ветеринарининг таъкидлашича, наслчилик ширкатидаги барча отарлар етарли миқдорда озиқ-овқат, иссиқ кийим, дори-дармон билан таъминланган. Мақсад — бу йилги қўзилатиш мавсумини муваффақиятли ўтказиш.

— Самарқанд шаҳрида фаолият кўрсатиб келаётган Ўзбекистон қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти олимлари билан ҳамкорликда иш олиб боряпмиз, — дейди Деҳқонобод туманидаги "Қўнғирот" қорақўлчилик хўжалиги раҳбари Муҳаммад Алимов. — Ўйлайманки, бу ҳамкорлик изчил давом эттирилади. Бош чорвашунос Эшқувват Туронов етакчилигида наслчилик ишлари қўнгилдагидек йўлга қўйилиб, маҳсулот сифати яхшиланиб бормоқда.

Чиндан ҳам қаерда наслчиликка жиддий эътибор қаратилсагина ўша ерда муваффақиятга эришилади. Бунга биз хўжаликнинг 1-фермаси мудири, тажрибали чорвадор Ўрол ака Жабборов билан суҳбатлашганимизда яна бир карра амин бўлдик.

— Жамоамизнинг Бугана, Танасакорт, Чакан яйловларида қўй боқаётган бош чўпонлар — Улуғберди Мирзаёров, Абдуҳамид Самадовлар отарларида наслчилик ишлари рисоладагидек йўлга қўйилди. Натижада ўтган йили ҳар юз бош совликдан белгиланганидан зиёд қўзи олинди. Ҳозир чорва ривожига катта ёрдам кўрсатиляпти. Ширкат олган техникалар отарлар хизматида. Манфаатдорлик ҳамма нарсани ўз ўрнига қўймоқда.

"Ғузор" қорақўлчилик хўжалиги чорвадорлари бу йилги мавсумда 23 минг бош совликдан дуркун қўзиларни олишни кўзлашмоқда.

— Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1998 йил 13 июлда қабул қилинган "Қорақўлчиликда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор биз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда, — дейди Ғузор туманидаги "Ғузор" наслчилик хўжалиги бош чорвашуноси Чўли Жўраев. — Ширкатнинг 93 минг гектарлик яйловларида 45 минг 700 бош қўй-қўзи боқилмоқда. Фахриддин Раҳимов, Олим Боботов сингари тажрибали бош чўпонлар отарларида қиш мавсуми кўнгилдагидек ўтказилмоқда. 86 нафар қўйчивонлар, яъни ижрочиларнинг барчаси чўпон уйлари билан таъминланган. Ушбу отарларда бўлсангиз, чўпончўлиқлар соҳанинг асрий анъаналарини сақлаб қолишганлигига гувоҳ бўласиз.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Наманган вилояти

Замонавий таълим андозалари асосида

Тўрақўрғон қишлоқ хўжалик коллежи Наманган вилоятидаги ўқув юртлари орасида алоҳида нуфузга эга. Маълумки, бир неча йилдан буён республикамизда касбий таълимни ривожлантиришга йўналтирилган Ўзбекистон-Швейцария лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Таълимни ишлаб чиқариш билан интеграциялаш замирида кадрлар тайёрлаш сифат кўрсаткичларини жаҳон андозалари даражасига етказиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар мазкур коллеж мисолида ҳам ўз аксини топаётир. Ўқув юртининг лойиҳа амалга оширилаётган гуруҳи ўқувчиларининг фанларни ўзлаштириши бошқаларга нисбатан анча юқорилиги ҳам фикримиз исботидир.

— Интеграциялашув — давр талаби, — дейди коллеж директори, техника фанлари доктори, профессор Набижон Бойбобоев. — Таълим муассасаси билан иш берувчи корхона ва ташкилотлар ҳамкорлик қилмасдан туриб, юксак малакали кадрлар тайёрлаб бўлмайди. Масаланинг яна бир жиҳати ушбу гуруҳ ўқувчилари чет тилларини мукаммал ўзлаштирмоқда. Бу — кадрларимизнинг нафақат ўзимизда, балки келажакда хориж корхоналарида ҳам ишлай олишларига имкон яратади.

— Шартномага асосан қилинадиган ишлар жуда кўп, — дейди лойиҳанинг халқаро раҳбари Г.Д.Холфнер. — Ўзбекистондаги 20 та касб-ҳунар коллежида ана шундай "пилот" гуруҳлари тузилиб, машғулотлар олиб борилмоқда. Энди улар учун таълим технологияларини ишлаб чиқишимиз ва ўқитувчиларни эса алоҳида ўқув қўлланмалари билан таъминлашимиз лозим. Булардан ташқари, гуруҳлар учун энг замонавий ўқув-ишлаб чиқариш лабораториялари тизимини яратиш керак. Яқинда бу мақсадлар учун бир миллион икки юз минг АҚШ доллари миқдорида сармоя киритилди. Бу яқин орада Тўрақўрғон қишлоқ хўжалик коллежининг моддий-техник базаси янада мустаҳкамланади деганидир.

— Келажакдаги мақсадим, — ўз фикрини инглиз тилида баён этади махсус гуруҳ ўқувчиси Баҳодир Набиев, — чет тилини мукаммал ўзлаштириб, дунёнинг ривожланган давлатларига бориб, у ердаги илғор ишлаб чиқариш технологияларини, тажрибаларни республикамизга олиб келишдир. Гуруҳимиздаги барча ёшларнинг орзу-ниятлари ҳам худди шундай.

Баркамол авлод йилида ушбу коллеж жамоаси юксак марраларга — ўқувчиларнинг билим савиясини янада юксалтириш, уларнинг бунёдкорлик туйғусини мустаҳкамлашга эришишини мақсад қилган. Уларга бу йўлда омад тилаймиз.

Маъмур МУСУЛМОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Суратда: Ўзбекистон-Швейцария лойиҳасининг халқаро раҳбари Г.Д.Холфнер, коллеж директори, техника фанлари доктори, профессор Н.Бойбобоев ва бошқалар янги келтирилган ўқув ускуналари ҳақида ўзаро фикрлашишмоқда.

Шифобахш неъматлар

ЖИЙДА ГУЛИ

У ЖОЗИБАЛИ, МЕВАСИ ХОСИЯТЛИ

Жийда гули жозибадорлиги туфайлигина эмас, балки хушбўй ва ўзига хос атри-ифори билан ҳам кишини ром қилади. Гўзаллигию ёқимли исини қўя турайлик, жийданинг энг асосий хосияти бу — инсон организми учун ўта фойдали эканидир.

Жийда боғ, томорқа, ҳовлиларда ўсадиган серҳосият дарахт. Халқ табобатида жийда мевасидан тайёрланган дамлама болаларда учрайдиган ич кетишига қарши даво сифатида ишлатилади. Айни ёз, пишиқчилик даврида мевачеваларни ювилмаган ҳолда истеъмол қилиш оқибатида ичкетар бўлган болага жийда мевасини едириш ҳам наф беради.

Жийда дамламаси нафас йўллари шамоллашида, шунингдек, ошқозон-ичак фаолиятига ҳам шифобахш таъсир кўрсатади.

Жийда гулларидан тайёрланган дамлама тана салқишида, лавша касаллигида самарали бўлиб, гижжа ҳайдовчи дори сифатида, кулунж, бронхит, юрак хасталикларида ҳам даводир.

Жийда баргидан тайёрланган дамламадан бод, никриз (подагра) оғриқларида, шунингдек, жароҳатларни эт олдирувчи омил сифатида фойдаланилади.

Жийда мевалари таркибида 40 фоиз қанд моддаси мавжуд, ошловчи моддалар эса 36 фоизни ташкил қилади, унда дармондорилар, микроунсурлар, гулида эфир мойи, пўстлоғида алкалоидлар бор.

Замонавий тиббиёт жийдани камқонлик (анемия), тери қазғоқланишида, бўй ўсмаслигида истеъмол қилишни тавсия этади.

Жийда меваси киши аъзоларида туз-сув мутаносиблигини сақлаши, одамнинг фикрлаш қобилиятини яхшилаши билан эътиборга моликдир. Жийда ҳидидан баҳраманд бўлган кишининг фикрлаш қобилияти чархланади.

Ичкетар, энтерит, колит, гастрит, иситма хуруж қилганда бу ўсимликнинг мевалари, гуллари, новдаларидан тайёрланган қайнатмадан фойдаланилади. Жийда меваларидан қайнатма тайёрлаш учун 50 грамм жийда меваси устига 1,5 литр қайноқ сув қуйиб, паст оловда чорак соат давомида қайнатилади, оловдан олиб, 1 соат давомида дамлаб қўйилади, сўнг сузиб олинади. Мазкур қайнатмани овқатдан кейин 2 ош қошикдан кунига 3-4 маҳал ичиш лозим. Жийда беор ўсимлик, яъни унинг кўчати алоҳида парвариш талаб қилмайди. Бир туп жийда эккан киши, у мевага киргач, кўп йиллар давомида жийданинг нафақат жозибали кўринишидан, балки шифобахш хусусиятларидан ҳам баҳраманд бўлади.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос.

ТАШКИЛОТ СОТАДИ
Volkswagen PASSAT
2009 йил ишлаб чиқарилган
Лизингга сотиб олиш мумкин

Маҳсулот сертификатланган
Тўлов шакли - пул ўтказиш йўли билан
Тел.: (+99871) 140-00-62,
(+99890) 317-67-97

Тошкент ш. Миробод т. корхоналарни рўйхатга олиш инспекцияси томонидан "MIRZOXID QURUVCHI" хусусий корхонасига берилган гувоҳнома ва думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"ORIENT TRADING INTERNATIONAL" (ИНН 201632774) Ўзбекистон-Россия-Сингапур қўшма корхонасининг мақоми "ORIENT TRADING INTERNATIONAL" МЧЖга ўзгаришги муносабати билан "ORIENT TRADING INTERNATIONAL" қўшма корхонасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича вориси "ORIENT TRADING INTERNATIONAL" МЧЖ ҳисобланади.
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан "ORIENT TRADING INTERNATIONAL" Ўзбекистон-Россия-Сингапур қўшма корхонасига 1996 йил 19 январда берилган 000460 рақамли "Давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома" ва бурчак штампи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., К.Махсумов к. 85-уй.

"HONEST BUSINESS SERVIS" (ИНН 206535448, ОКОНХ 71280) МЧЖ Устав фонди 755 500 000 сўмдан 714 719 268 сўмга камайтирилди. Манзил: Тошкент ш. Матбуотчилар кўчаси 17-уй.

А.Қодирий номидаги Тошкент давлат Маданият институти томонидан 2008 йили Маматов Сайриддин Сайдуллаевич номига берилган № BN 345596 рақамли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный план на квартиру по адресу: г.Ташкент мас.Чиланзар 24 кв-л д.43 кв-ра 38, выданный БТИ Учтепинского р-на г.Ташкента на имя Рузметовой Зульфии Джуманиязовны, считать недействительным.

Утерянный план на квартиру по адресу: г.Ташкент Хамзинский р-н ул.Исмаилова д.24 кв-ра 84, выданный БТИ Хамзинского р-на г.Ташкента на имя Джанати Андрея Мамедовича, а также договор о купли-продаже зарегистрированное № 1-18530, считать недействительным.

Утерянное свидетельство о регистрации за № 001646-11, выданное Яккасарайским хокимиятом г.Ташкента от 05.04.2005 г., а также оригинал Устава, выданный на имя ДП "EX IM BROK TASHKENT", считать недействительным.

Утерянный диплом ЗВ № 854357 (рег. № 7), выданный 1987 г. Уз.Гос.ИФК на имя Семенчук Василисы Васильевны, считать недействительным.

Утерянный гос.ордер № 08-02/5669 (гос.регистр. № 27008) от 25.12.1992 г. права личной собственности жилья на имя Попушой Георгине Дмитриевны, выданный на квартиру г.Ташкент Чиланзарский р-н кв-л 9 д.26 кв-ра 47, считать недействительным.

Утерянный гос.ордер № 10-01/4732 от 07.02.1993 г. права собственности на квартиру на имя Голощумова Виктора Герасимовича, считать недействительным.

"ВОЛГА" АВТОМОБИЛЛАРИГА
МАКСИМАЛ
ЧЕГИРМА

Шунингдек, сотувда "ВАХТАВЫЙ" автомобиллари ҳам мавжуд.

AVTODOM PLUS
"ГАЗ"-РУСУМИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ
WWW.AUTO.UZ

Автосалон:
Тошкент ш., Бунёдкор кўч. 118.
Тел.: (99871) 140-41-21, 140-41-22.
Офис:
Тошкент ш., 100015, Шаҳрисабз кўч. 16 "а"/
Тел./факс: (99871) 256-03-62, 256-13-01.

СПОРТ

"БУНЁДКОР" ЧОРАК ФИНАЛДА

ФУТБОЛ

16 январь куни старт олган МДҲ кубогининг 1-турида "Дачия" (Молдова) футбол клубини 1:0 ҳисобида енгган Ҳикмат Эргашев бошқарувидаги "Бунёдкор" жамоаси гуруҳ босқичида кетма-кет иккинчи ғалабага эришди.

Ўзбекистон ва Арманистон чемпионлари ўртасидаги баҳс қизиқарли кечиши олдиндан тахмин қилинган эди. Боиси ушбу ўйиндаги ғалаба ҳар иккала жамоага ҳам жуда муҳим эди. Арманистоннинг "Пюник" жамоаси уч очко соҳиби бўлса, кейинги босқичга чиқиш имкониятини сақлаб қоларди. "Қалдирғочлар" баҳсда ғолиб чиқсалар кейинги босқич йўлланмаси муддатидан аввал қўлга киритилиши аниқ эди.

Кутилганидек, илк дақиқаларданоқ, жамоалар кетма-кет ҳужумлар уюштира бошлашди. Ўйиндаги илк хавфли вазиятларни Ҳикмат Эргашев шогирдлари содир этган бўлсалар-да, ҳисобни "Пюник" аъзолари очишди. Бурчакдан оширилган тўпни Кирилл Панченко боши билан Бугало дарвозасининг олис бурчагига тўғрилаб қўйди — 1:0. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан Эркин Бойдуллаев томонидан оширилган тўпни Шавкат Раимқулов боши билан дарвоза тўрига жойлаб қўйди.

Иккинчи бўлимда "Динамо" манежига йиғилган ишқибозлар яна икки гол гувоҳи бўлишди. Дастлаб, 58-дақиқада майдонга туширилган Денис Шуикин орадан уч дақиқа ўтиб ташкил этилган ажойиб комбинацияни голга айлантира олди — 2:2. Мусобақада яхши таассурот қолдираётган Баҳодир Насимов 1-турда ''Дачия''га қарши кечган учрашувда бўлгани каби баҳснинг сўнгги дақиқаларида "Бунёдкор"га ғалаба келтирувчи гол муаллифига айланди.

2-турдан сўнг учта жамоа кейинги босқич масаласини ҳал қилди. Булар — Могилевнинг "Днепр", Киевнинг "Динамо" ҳамда Тошкентнинг "Бунёдкор" жамоаларидир.

"ДАКАР-2010" ҒОЛИБЛАРИ МАЪЛУМ БЎЛДИ

17 январь куни ралли бўйича "Дакар-2010" пойгалари якунига етди. Финиш — Буэнос-Айрес (Аргентина)да манзилга биринчи бўлиб етиб келган пойгачилар ғалабаларини ўзига хос тарзда нишонладилар.

Автомобиллар пойгасида Volkswagen жамоаси ғолиб чиқди. Ралли пойгалари бўйича икки карра жаҳон чемпиони испаниялик Карлос Сайнс умумий ҳисобда энг яқин таъқибчиси қатарлик пойгачи Носир ал-Аттияни 2 дақиқаю 12 сонияга ортда қолдиришга эришди.

Мотоцикллар пойгасида франциялик Сириль Депре муваффақият қозонди. Сириль Депре "Дакар" пойгаларининг 2005, 2007 йилги мавсумларида ҳам ғолиб бўлган.

"Дакар" раллисининг юк машиналари пойгасида эса КамАЗ (Россия) жамоасининг ғолиб чиқиши анъанага айланиб улгурган. Владимир Чагин бошчилик қилган жамоа ушбу мусобақада олтинчи бор зафар қучди.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

Тошкент Давлат университети томонидан 1993 йили Эшмурадова Махфуза Қуваровна номига берилган № 000198 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "THAI BINH" (код по ОКПО 22613358, ИНН 301019069), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского р-на г.Ташкента, расположенное по адресу: Бунёдкор, 25, ликвидируется (протокол собрания № 1 от 15 января 2010 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 346-95-30.

Федерация ("T.SH.S.E.S.T.F.") гребных видов спорта г.Ташкента, зарегистрированное в управлении юстиции г.Ташкента, возобновляет свою работу с 15 января 2010 года.

Утерянную доверенность на управление автомобиля "Шкода" (гос. номер 30 В 6375), от 24.05.2009 г. на имя Зяпрягаева Дмитрия Юрьевича, просим вернуть за вознаграждение. Тел.: 275-96-15.

Утерянная гувохнома № 001826, выданный 27.02.2007 г. ЧП "ABL-SOFT-SERVIS", считать недействительным.

Тошкент давлат Аграр университети жамоаси "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" кафедраси доценти Умиджон Назарқулова падари бузруквори **РАХИМЖОН ОТА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир
Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР КЕНГАШИ
Зафар РЎЗИЕВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Раҳимберди БЎРИЕВ, Ғуломжон ИБРАГИМОВ, Саид АРАБОВ, Саидамин САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Илҳом ҲАЙДАРОВ, Наримон УМАРОВ, Абдурахмат БОЙМУРОДОВ, Муҳаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Садриддин РАСУЛОВ, Виктор ЧУБ, Шухрат ТОШМУРОДОВ, Шухрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Шамсиддин ЭСОНБОЕВ, Зиёвуддин ОБИДОВ, Ҳакимжон УМАРХЎЖАЕВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Алитай АДИЛОВ, Гофир АЛИЕВ, Тўланбой ҚАРИМОВ, Шухрат ҒАНИЕВ, Ўктам БАРНОЕВ, Ўткир РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омонулла ЮНУСОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-54-44, 233-28-04, Котибият — 233-95-17, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.
ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси — 585-16-12; Андижон — 224-99-13; Бухоро — 542-05-18; Жиззах — 366-61-16; Навоий — 224-69-08; Наманган — 224-81-69; Фарғона — 223-35-98; Самарқанд — 222-29-97; Сирдарё — 588-06-89; Тошкент — 100-29-61; Хоразм — 750-82-39; Қашқадарё — 221-59-40; Сурхондарё — 392-50-42.

Реклама ва эълонлар — 236-58-83, 233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар
(1)-тиҳорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
E-mail: info@qishloqhayoti.uz

Навбатчи: А.ҚУЛМУРОДОВ
Мусаҳҳих: С.ҚОДИРОВ
Дизайнер: М.ШУКУРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-18, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 23.55
17746 нусхада босилди. Нашр индекси — 144
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4